

ЧИРМОВУҚНИ ТОМИРИ БИЛАН ЮЛАДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

энг аввало тинчлик туфайли амалга ошириляпти.

Афсуски, елкамизга офтоб теккан шундай дорумомон бир пайтда дунёда бўлаётган воқеалар хийла сергак торттириб, андак ўйлантириб ҳам қўйди. Бирон воқеа бўлса, кўпчилик менинг олдимга келишга одатланган. Ҳозир ҳам шундай. Одам деганининг тупроғи бир жойдан олингани билан феъли, табиати минг хил. Очиғи, хавотир билан юрганлари ҳам йўқ эмас. Мен уларга Президентимиз Ислам Каримовнинг бу воқеаларга оид Баёноти ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларидан келиб чиқадиغان хулосаларимни гапириб бераман. АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучлари қўшни Афғонистонда кўним топган ва бутун инсониятга катта хавф солаётган халқаро терроризм ўчоқларини, ҳарбий базаларини ва лагерларини йўқ қилмоқда. Лекин бизнинг худудимиздан жанговар ҳаракатлар учун, бомбали ҳужум учун рухсат берилгани йўқ, дейман. Ушбу ҳарбий ҳаракат, баъзи сиёсий чайқовчилар хабар тарқатаётганидек, ислом дунёсига, мусулмон халқларига эмас, аксинча исломни ниқоб қилиб олиб, бутун дунёнинг тинчини бузаётган халқаро террорчиларга қарши қатъий чорадир. Аслида-ку уларнинг дини ҳам, ватани ҳам, имони ҳам йўқ. Шунинг учун Ўзбекистон ҳам кўплаб тараққийпарвар давлатлар ва халқлар қатори Америка ва Буюк Британиянинг сай-ҳаракатларини кўлаб-қувватламоқда. Биз ҳам халқаро террорчилик таг-томири билан йўқ қилинишни истаймиз. Шу билан бирга Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши, жафокаш афгон халқи осойишта ҳаёт кечириши тарафдоримиз.

Кўнглимиздаги гаплар экан, дейишади улар. Истагимиз - бу газандаларга қарши бошланган ҳужумни охиригача етказиш лозим. Илонинг бошидан янчмагунча тилидан заҳари кетмайди. Чирмовуқни ҳам томири билан юладилар.

Биз мамлакатимиз тараққиётининг асосий манбаи бўлган деҳқончиликни ривожлантириш йўлидаги сай-ҳаракатимизни давом эттириш билан бирга бутун дунёдаги воқеаларни жиддий кузатиб бораемиз ва албатта эзгулик эртами-кечми галаба қозонишига ишонамиз.

Тожибой РИЗАЕВ,
Ўзбекистон қаҳрамони.

кўплаб келтириш мумкин...

Бир савол туғилади: оммавий ахборот воситалари Афғонистонда ўтказилаётган аксилтеррор операциялари билан боғлиқ барча воқеа-ҳодисалардан жамоатчиликни хабардор қилишда ҳам ана шу адолатгўйлик, ҳақиқатпешалик мезонига қатъий риоя этиш аяптими? Афсуски, бу саволга баралла «ҳа» деб жавоб бериш мумкин эмас.

Мисол учун, биргина НТВ телеканални олайлик. Мазкур телеканал журналистлари АҚШ ва Буюк Британия куруллой кучлари Афғонистондаги террорчи тўдаларнинг базаларига ҳарбий зарба берганидан сўнг Ўзбекистоннинг Афғонистон билан чегара худудларида яшовчи аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилмоқда ва у ерда ҳарбий ҳаракатлар олиб боришмоқда, деган мазмундаги уйдирма фикрларни тарқатди. ҳолбуки, булар ҳақиқатдан бутунлай йироқ - мамлакатимиз чегара худудларида осойишталик ҳукм сураётганидан ҳар бир юртдошимиз яхши хабардор.

Фақат бугина эмас. Эмишки, толиблар 10 минг аскарини (айрим телеканалларда бу рақам 8 минг нафар, деб эълон қилинди - Ш.У) Ўзбекистон билан чегара худудига сафлаган. Бундай ва бошқа ноҳолис, бўхтон хабарлар CNN, ТВЦ, DW сингари телеканаллар орқали ҳам тарқатилгани кузатилмоқда.

Террорчи тўдалар уя қуриб олган Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Президенти шу йил 5 октябрь куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда баёнот бериб, мамлакатимизнинг халқаро терроризмга қарши курашдаги иштироки юзасидан принципиал ёндошувларини аниқрашган баён этди. Баёнотда ай-

(Давоми. Боши 1-бетда).

УЙДИРМА ВА ҲАҚИҚАТ

рим хорижий ахборот воситаларида Ўзбекистонга нисбатан тўхмат гаплар тарқатилаётгани маълум қилинган ҳолда Афғонистон теваарагидаги долзарб масала ўзининг бутун кўлами билан акс эттирилган ва унда Ўзбекистоннинг муносабати қатъийлик билан, аниқ ифодалаб берилган. Баёнотда Ўзбекистон аксилтеррор тadbирини ўтказишда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига ўз ҳаво кенгликларида йўлак ва битта ҳарбий аэродромдан фойдаланишга рухсат бергани, АҚШнинг кам сонли транспорт самолётлари ҳамда вертолётлари ундан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланиши, Афғонистонга Ўзбекистон худудидан бомбали зарба беришга, қуруқлик орқали ҳужум қилишга йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидланган.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганидек, 8 октябрь куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик кенгаши котиби қўшни Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар муносабати билан журналистлар учун брифинг ўтказди. Тадбирда ҳарбий зарбалар афгон халқи ёки ислом динига эътиқод қилувчиларга эмас, балки халқаро террорчиликка қарши йўналтирилгани, бир неча бор террор хуружини ўз бошидан кечирган давлат сифатида Ўзбекистон халқаро ҳамжамият танлаган бу

йўлдан четда тура олмаслиги яна бир қарра таъкидланди. Мазкур брифингда мамлакатимиз АҚШ билан халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш бўйича ҳужжат имзолангани маълум қилинди. Журналистлар билан бўлган ушбу учрашувда ҳам ахборот майдонида ноҳолис хабарлар тарқатилаётгани ҳақида сўз бориб, Ўзбекистоннинг Афғонистон билан чегара худудидида осойишталик ҳукм сураётгани ва Ўзбекистон ҳарбийлари доимий кўналғаларида одатдагидай ҳушёр туришгани қайд этилди.

Шунга қарамайдан ноҳолис, ёлғон-яшиқдан иборат хабарлар тарқатилмоқда. Нега?

Бугун инсоният учинчи минг йилликнинг биринчи йилида - ахборот асрида яшамоқда. Ахборот эса улкан куч-қудратга эга. Чунки у инсон онига таъсир қилиб, жамоатчилик ўртасида фикр уйғотади ва шакллантиради. Ўзбекистон ҳақида ноҳолис, бўхтон, уйдирма хабарларни тарқатаётган журналистлар ҳам буни жуда яхши билишини ва улар онгли равишда, муайян мақсадда ана шундай ноҳолисликка қўл уришини, журналист этикасини ҳам онгли равишда бузишини эсдан чиқармаслик лозим. Ҳамма гап ниятда. Ҳар кимнинг босган қадами ҳамиша ниятига мос бўлади. Бундай ахборот хуружларига ҳушёрлик билан, ўз вақтида ва жиддий зарба бериш керак.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

ОКҚҲРҒОН:

ЮҚОРИ НАВ, НАРХ, ДАРОМАД

айниқса, қувонарлидир. Бу хўжалик аъзолари давлатга 2900 тоннадан кўпроқ пахта сотишган бўлса, шундан 700 тоннадан ортикроги шартнома режасига қўшимчадир. «Ўзбекистон»ликлар йиллик режани 133 фоизга бажариб қўйдилар. Агар шу пахтанинг асосий қисми уруғлик эканлиги ва у фақат қўлда терилгани ҳисобга олинса, хўжалик аъзоларининг ғайрат-шижоати ҳақида янада яққолроқ тасаввурга эга бўлинади.

Бугунги кунда туманда 320 дан зиёд фермер хўжалиги пахта етиштириш билан шуғулланмоқда. Улар бу йил тумanning умумий хирмонига 6700 тоннадан зиёд пахталари билан баракали ҳисса қўшдилар.

— Туманимиз пахтакорлари учун ҳар йилги мавсумни ёруғ юз билан яқунлаш имконини бераётган иккита асосий омилни алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди туман ҳокими Абдуғани Деҳқонбоев. — Улар, аввало, пахтанинг саноатбон, экспортбон навини танлаб экадилар. Мақсад — кўпроқ даромад олиш. Кейинги йиллар тажрибаси «С-6524» мақбул нав эканлигини кўрсатди. Унинг туртинчи тип толаси жаҳон бозорида анча қиммат ва харидоргир. Деҳқоннинг мақсади ҳам шу — кўпроқ даромад кўрсам, дейди.

Иккинчидан, окқўргонликлар тежамли ишлашга одатланишган. Айниқса, терим бошлангандан сўнг мавсумни илоҳи борица кам сарф-харажат билан тезроқ яқунлаш пайида бўладилар. Терим машиналаридан фойдаланишда тежамкорликка асосий эътибор қаратилиб, уюшқоқлик ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

оммавий сафарбарликка зўр берилади.

Ҳокимнинг фикри тўғри эканлигини Сегизбоев номли ва «Окқўргон» ширкат хўжаликларида эришилган натижаларда яққол кўриш мумкин. Бу икки хўжаликда асосан маҳаллий терим агрегатларидан фойда-

ланилди ва ҳар бир тонна пахтадан қўл теримига нисбатан 12 минг сўмдан тежашга эришилди. Демак, 7 минг тоннадан зиёд пахта сотган хўжаликда минг тонна пахта машинада терилган тақдирда ҳам 12 миллион сўм маблағ тежаб қолинади.

Туман бўйича давлатга сотилган пахтанинг асосий қисми юқори навларга қабул қилиниб, ҳар минг тоннасига 91 минг сўмдан ҳақ тўланадиган бўлди. Бу ҳосилнинг эрта етиштирилгани, қисқа муддатда йиғиштириб олингани ва юқори навларга топширилгани шарофатидир. Меҳнатнинг пировард натижасида мўмай даромад кўраётган деҳқон жон қўйдириб ишлайверади.

Окқўргонликлар теримни бўшаштирмай давом эттиришяпти. Далаларда ҳосил ҳали кўп. Уларнинг мўлжали — давлатга яна камидан 3 минг тонна пахта топшириш.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



СУРАТДА: режани 30 сентябрь куни бажарган «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Саидкамол Баҳромов (ўртада) терим машинаси оператори Исломиддин Шерғозиев (чапдан ўнганга), оила пудрати раҳбари Тўлаган Отаев, илгор теримчи Ҳамида Маъмурова, пудратчи Матлуба Абдуҷалилова билан пахтазорда. Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Ҳамкорлик

РЕЗИНАСИЗ ИШ БИТМАЙДИ

Республикаимиз пойтахтидаги қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган агрегат заводи жамоаси болалар велосипедлари йиғишни ҳам йўлга қўйди.

Аммо бунинг учун зарур бўлган покришқаларни корхонада ишлаб чиқариш имконияти йўқ эди. Шу боис завод раҳбарлари Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат қилишди. Буюртмани бажаришни ўз зиммаларига олган резинотехникачилар унинг миқдорда етказиб бермоқдалар. Шу тариқа бу қисмлар чет элдан олиб келинишига барҳам берилди. Жамоа аҳли шаҳардаги кумир конининг янги буюртмасини тайёрлашга киришиб, транспортёр ленталари учун қўшимча резина қисмларини ишлаб чиқаришни ҳам узолаштирди.

Собир ҲАМИДОВ.

«ЁШЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент тумани бўлими ташаббуси билан бўлиб ўтган концерт дастури ана шундай номланди.

Ватан меҳри, юрт ишқи мадҳ этилган ушбу кечани ўтказишдан мақсад ўзбек миллий эстрадамизни қўллаб-қувватлаш, Ватанга муҳаббат, севги, садоқат, меҳр-оқибат, дўстлик туйғуларини ёшлар онгида шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Концертда ёш хонандалар София Сафторова, Умида Мирҳамидова, Камолитдин Мирсолиев, Шаҳнозабону ҳамда бир неча ижодкор гуруҳлар иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.



«КИТОБ» МАРАФОНИ

Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан «Китоб» марафони ўтказилди. Ундан кўзланган мақсад ўқув юртлари кутубхоналари китоблар хазинасини бойитишдир.

Ушбу тадбир Қибрай туманидаги энергетика касб-хунар коллежига омад келтирди, жамоа 1,5 миллион сўмлик ўқув адабиётларига эга бўлди. У отоналар кўмитаси ихтиёрига берилди ва коллеж кутубхонасида сақланади.

Акбар АЛИЕВ.



ПУЛЛИ ХИЗМАТДАН АҲОЛИ МАМНУН

Янгийўл шаҳрининг марказий касалхонасида пулли хизмат турлари кўпайиб бормоқда.

Умуман, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида шифокорлар аҳолига 10 миллион сўмликдан кўпроқ хизмат кўрсатишди. Бозор муносабатлари шароитида 15 мингдан ортиқ бемор тиббий хизматлардан шу йўл билан баҳраманд бўлди. Аҳоли лаборатория таҳлиллари, рентген кабинети, қон қуйиш, кўз касалликлари, кардиология ва шикастланишлар бўлимлари ходимларининг шундай хизматларидан айниқса мамнун бўлмоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.



«ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ»:

РЎЎБГА ЧИҚАЁТГАН ТАШАББУСЛАР

Тошкент вилоятининг электроалоқа корхоналарида, уларнинг шаҳар ва туман бўлимларида, муҳандислар ва техниклар орасида ўзининг янгиликка интилувчанлиги, ижодий изланишлари ва амалий омилкорлиги билан ажралиб турувчи, истеъдодли мутахассислар кўплаб топилади. Айнан шу борада, яъни ихтирочилик ва рационализаторлик саҳасида вилоят алоқа корхонаси - эндиликда «Тошкент Телеком» ҳиссасдорлик жамияти алоқачилари тармоқ бўйича ўтказилган хадимларнинг ақлий қобилиятлари ва ўз муаллифлик ташаббусларини иш фаолиятларига тадбиқ этиш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштириш борасидаги кўриклар натижалари бўйича кўп маротаба совринли ўринларни эгаллашган.

Ўз вақтида, бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари (БАТ) бўйича турли мажмуалар яратиш урф бўлаётганда, айнан Тошкент вилояти корхонаси қошида ташкил этилган БАТ лабораторияси вақт синовидан муваффақиятли ўтибгина қолмай, ўзининг дадил, қиёсан янги ишланмалари билан бутун мамлакат миқёсида янгиликлар кашф эта олди.

Ихтиролар ва рационализаторлик тақлифлари учун берилган ўнлаб муаллифлик гувоҳномалари ва дипломлари вилоят алоқачиларининг ижодий фикрлаш ва амалий омилкорлик борасида қанчалар илгарилар кетганларидан далолат беради. Мазкур лаборатория асосида телекоммуникациялар соҳасида энг янги техника ва технологияларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича ихтисослаштирилган лойиҳалаш - конструкторлик бюроси мустақил корхонаси ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Эндиликда «PROMOS» деб номланувчи мазкур корхона Ўзбекистонда ишлаб турган илмий ишлаб чиқариш тузилмалари қаторида муносиб ўрин эгаллаб турибди.

Мақсаламиз учун ушбу муқаддима анча ўринли деб ўйлаймиз, зеро кўйинда муштарийларга вилоят телекоммуникация тармоқларида олиб борилаётган ижодий фаолиятнинг бутун аҳоли ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчимиз. Албатта, «Тошкент Телеком» ҳиссасдорлик жамияти ва унинг шаҳар ва туманларидаги бўлимларида аҳоли бутунлай ўзгача ҳолатда фойдаланишга топширилаётган шаҳарлараро ва ҳудудлараро йўналишлар

даги рақамли, электрон жиҳозли, толали-оптик кабелли иншоотлар билан бир қаторда янги техника ва такомиллашган технологиялар тадбиқ этилмоқда. Атиги бир неча йил аввал Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» компанияси иш-тироқида вилоятимизда йирик лойиҳа ҳаётга тадбиқ этилиб, умумий сизими қирк беш минг рақамдан иборат янги АТСлар фойдаланишга топширилган эди. Бу ускуналарни ишлатиш учун мутахассис кадрлар тайёрланди ва эндиликда янги телекоммуникациялар тармоқлари бунёд этилган шаҳар ва туман марказларида улардан фойдаланиш муваффақиятли амалга оширилмоқда, абонентларга хизматнинг энг янги турлари тақлиф этилаёпти.

Шунинг билан бирга бу соҳада муаммолар ҳам йўқ эмас. Давр алоқачилар олдида янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Телекоммуникациялар соҳаси шиддат билан ривожланиб бораёпти. Бу ривожланишдан орта қолмаслик учун улгуриш лозим. Бу масаланинг бир томони. Унинг бошқа томони эса, вилоят телекоммуникациялар тармоқларининг бутун қудратли мажмуаси меъёрида ишлашни таъминлаш борасидаги оддий фаолиятга бориб тақалади. Бунда тадбиқ этилаётган энг янги техниканинг электр алоқаси тармоқларида ҳамон фойдаланиб келинаётган техника билан уйғун ишлашни таъминлаш, масаласи муҳим урин тутади. Баъзан бу муаммо фақат янги мажмуаларга хизмат кўрсатишдан кўра кўпроқ таъминот сўраб қолмоқда.

Мана шунда алоқа ишлаб чиқариш корхоналари муҳандис ва техниклари, тажрибали ишчилари кўтариб чиқаётган янгиликлар

қўл келмоқда. Уларнинг ўзига хос фикрлари, ижодий ёндошувлари, тақлифлари кундалик ишда гоёта асқотмоқда.

«Тошкент Телеком» ҳиссасдорлик жамиятида сўнгги йилларда айнан ўз мутахассисларининг рационализаторлик тақлифларини тадбиқ этиш, алоқа тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича режадаги тадбирларни амалга тадбиқ этиш ҳисобига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш юзасидан қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Ушбу фикрларни мустаҳкамлаш учун шу йилнинг сўнгги тўққиз ойи мобайнида вилоят алоқачилари иш фаолиятдан бир қанча мисоллар келтириш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хизматлар қўламини халқародан шаҳарларарога, шаҳар ва қишлоқ даражаларига тушгани сайин абонентлар билан ишлаш борасидаги муаммолар кўпая боради. Агар халқаро ва шаҳарлараро алоқадан иборат юқори даражада турли йўналишлардаги алоқа каналларининг қудратли воситалари барпо этилиши ҳамда автоматлаштиришнинг замонавий тизимлари тадбиқ этилиши ҳисобига ишлар муваффақиятли бораётган бўлса, қишлоқда, айнан қишлоқ ва қўрғонлардаги абонентлар учун электроалоқа хизмати сервиси замонавий талабларга жавоб бермаяпти.

Шунинг учун ҳам вилоят рационализаторлари, қонаверса шу соҳага масъул оддий мутахассислар ҳам янги санат таъминотини, ҳам замонавий технологияларни, ҳам ўзларининг янги тақлиф ва ишланмаларини тадбиқ этган ҳолда, мавжуд эҳволни яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар. Сўнгги йилларда вилоятда рақамли мажмуалар тармоғи ўттиз бир минг телефонга кўпайди, хусусан, электрон рақамли телефонлар улуши 2000 йилда 23,7 фоизга, 2001 йилнинг октябри бошида 26 фоизга ошди. Қўнадаги таксофонлар тармоғига уланган аппаратлар сони ҳам ортиб, 437тани ташкил этди.

Шу орада таксофонлардан ташвирган даромад ҳам икки қарра қўпайганини ва ҳозир ҳар бир таксофондан деярли 2000 сўмни ташкил қилаётганини таъкидлаб

ўтмоқ лозим.

Тармоқни ривожлантириш бўйича анча ишлар амалга оширилаёпти. Шаҳар ва қишлоқ станцияларидаги мавжуд қувватларнинг 87 фоизидан фойдаланилмоқда. Бу республикадаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Тошкент тумани марказида 3000 рақамли электрон АТС фойдаланишга топширилди. У аввалдан мавжуд эскиси ўрнига ишга туширилди. Энди бу ерда абонентлар тармоғини ривожлантириш имконияти анча ўсди.

Қишлоқ АТСларида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу ерда қишлоқ абонентлари шаҳарликлар каби автоматлаштирилган технологиялар бўйича телекоммуникацияларнинг халқаро ва шаҳарлараро тармоқларига эркин чиқиши учун техник имкониятлар яратиш вазифаси биринчи ўринда туради. Етита қишлоқ АТСида бунинг учун рақамни автоматик равишда аниқловчи аппаратлар ўрнатилди. Эндиликда Тошкент, Пскент, Янгийўл, Ўртачирчиқ туманларининг, С.Раҳимов, Тулабий, Навоий, Елтушган, Янгиҳаёт, Кучлик ва бошқа қўрғонларнинг юзлаб абонентлари телефончи қизлар хизматидан фойдаланмай, тўғридан-тўғри рақамларни териб, шаҳарлараро каналлар орқали абонентлар билан мулоқот қилиш имконига эга бўлдилар.

Бу ишда энг ташвишлиси қишлоқ АТСидан туман марказларигача ва ундан кейин бириктирувчи линияларнинг мавжудлиги масаласидир. Бу борада ҳам режалар, ҳам ташаббускорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан шундай ишлар ва уланувчи янги тизимларни фойдаланишга топшириш ҳисобига бу йил Тошкент туманидаги Ҳасанбой ва Фозилов қўрғонлари, Ўртачирчиқ туманидаги Истиклол қўргони абонентларига хизмат қилувчи каналлар сони салмоқли даражада ўсди. Вилоят ҳиссасдорлик жамияти маъмурияти учта ИКМ-30 мажмуини харид қилиб, уларни қишлоқлар ва шаҳар яқинидаги ҳудудлар йўналишидаги алоқаларни такомиллаштиришга йўналтирди. Айнан шаҳарлар атрофидаги ҳудудларда истиқомат қилувчи абонентлар Тошкент билан улана оладиган телефон алоқаси ўрнатиш борасида кўп эътирозлар билдирмоқдалар. Бу борада Тошкент туманидаги Михайлов қўргонини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур қўрғонда янги АТС қурилиб, абонентлик тармоқлари барпо этилди ва юзлаб фуқаролар уи телефонларига эга бўлдилар. Аммо, алоқа сифати уларни қонийтирмасди. Бунинг сабаби фойдаланиш қоидаларида кўрсатилганидек, уловчи линиялар туман марказида ташкил этилганидир. Ваҳоланки, кўпгина абонентлар туман марказига қандан кам ҳолларда қўнғироқ қиладилар, улар асосан Тошкент билан алоқага муҳтож. Шу сабабли ушбу ҳудуддан турли жойларга шикоятлар кела бошлади. Оқибатида алоқачилар аввал битта, ҳозирга келиб эса,

иккинчи янги мажмуани қўшимча тарзда ўрнатишларига тўғри келди. Каналлар сони икки мартадан кўпроқ ошди, энди эса уларнинг меъёрида ишлаши чоралари қўрилаяпти, бундай алоқага хос тарифлар ҳақидаги масала кўриб чиқилмоқда. Ахир, телекоммуникациялар тармоғидаги ҳар бир янгилик одатда жуда қимматга тушади, бунинг учун маблағларни топиш осон эмас, топиб иш учун сарфлангандан кейин эса, шунга яраша даромад олиш лозим бўлади. Озодбош ва Бўстонлик туманидаги АТСлар учун уловчи линияларни кенгайтириш борасида ҳам шунга ўхшаш ишлар амалга оширилди. Тўғри, бу ерда абонентлар учун Чирчиқ шаҳридаги АТСлардан бирига эркин чиқиш имконияти яратиб берилган.

Маълумки, вилоят шаҳарларидаги телефон тармоқлари иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларини таъминлай оладиган даражада ривожлантирилган. Шунга қарамай, офисларда ва хонадонларда телефон ўрнатиб бериш ҳақида янгидан янги аризалар тушмоқда. Фақатгина ўтган тўққиз ой мобайнида шундай ариза билан мурожаат қилган деярли 3 мингта сўровчининг илтимоси қондирилди. Вилоятдаги шаҳарларда истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларининг 70 фоизга яқини телефонлаштирилгани билан қифояланмай, барча оилаларни телефон алоқаси билан таъминлаш, ҳар бир хонадонга икки ва учтадан телефон ўрнатиш имкониятлари яратилмоқда.

Мутахассисларнинг ижодий фикрлаши, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги ва муаммоларни тез ва соз ҳал қилинишдан манфаатдор эканлиги ишлаб чиқариш фаолиятида эришилаётган муваффақиятлар гарови ҳамда абонентларга сифатли хизмат кўрсатиш омили бўлиб қолмоқда.

Эришилган муваффақиятларга, мутахассисларнинг виждонан ва сермахсул меҳнатларига, ташаббускорлиги ва ишга ижодий ёндошуви таяниб, ўтказилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, вилоят телекоммуникациялари корхоналарини янада муваффақиятлироқ модернизациялаш ва ривожлантириш учун техник ва технология чора-тадбирлар билан бир қаторда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ислохотлар жараёнига етакчилик қила оладиган, жаҳон ютуқларини алоқачиларнинг кундалик иш фаолиятига тадбиқ эта оладиган ёш мутахассисларга алоҳида эътибор берилаяпти. Бунда шубҳасиз телекоммуникациялар хизматлари истеъмолчилари ўз талаблари қондирилишидан кўпроқ мамнун бўлишлари учун мавжуд муаммоларни тез ҳал қила оладиган ижодий кучга, ташаббускорлик қобилиятига эгалик кўпроқ диққатга сазовор.

А. ҚУДРАТОВ.

Dushanba

15

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан Душанба, 15 октябр кунини «Ўзбекистон-1» телеканалда кўрсатувлари соат 15.00 да бошланади.
15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
15.30 «Зиё» студияси намоиш этади: «Этикод мустаҳкамлиги йўлида».
16.00 «Олам». Телеальманах.
16.30 «Ифтихор».
16.55 «Жалолiddин Мангуберди».
Видеофильм. 1-қисм.

17.55 ТВ маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.35 «Ўзбекистон фуқароси».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қабул соати».
21.30 Ўзбекистон Халқ артистлари.
21.50 «Маънавият» дастури.

22.20 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.20 «Ахборот».
23.55-00.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
Профилактика муносабати билан душанба, 15 октябр кунини «Ёшлар» телеканалда кўрсатувлари соат 16.00 да бошланади
16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 «Давр» ҳафта ичида.
16.45 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».
17.15 Яқшанбада кўришгунча.
17.30 Спорт ҳафтано-маси.
17.45 «Заковат» интеллектуал ўйини.
18.35 Эрта сўнган

юлдузлар.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Тафаккур ёлқин-лари.
19.55 Эски альбомдан.
20.00 Ўзбегим кураши.
20.20 Ёшлар овози.
20.40 Спринт.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Сардор».
Телевизион бадий фильм. 1-қисм.
21.25 XX аср шеърия-тидан.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Ватан ҳақида кўшиқ.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.

22.40 «Полиция комис-сари». Телесериал. 5-қисм.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интер-футбол.
1.20-1.25 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 «Болажонлар экрани». «Афсунгар».
18.30, 21.00, 22.10, 22.55 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.30, 20.00, 22.40 «Экспресс» телегазе-таси.
19.45 «Авто-news».
20.15 ТТВда сериал:

«Селеста».
21.20 «Алишер Наво-ий». Телефильм.
22.25 «Биласизми?»
23.15 Кинонигоҳ.
«Эдемга қайтиш». 1-қисм.
23.55-00.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқара» телеканал
Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 15 октябр кунини ЎЗТВ-IV «Халқара» телеканалда кўрсатувлар 15.00 да бошланади.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Тармоқ». Сери-ал.
16.00 CFI тақдим этади: «Денгиз афсонаси».
16.25 «Рэй Бредбери

театри». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 М. Евдокимов хузурида меҳмонда.
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
*
20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «ТВ-4да Немис тўлкини».
21.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
21.55 «Инсон ва табиат».
22.20 Кинематограф. «Самовий фаришта-лар». Бадий фильм.
23.55 Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбе-кстон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Олимпни забт этган баҳодир».
9.15 «ТВ - клуб».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
11.05 ТВ метео.
11.10 «Иш билганга - минг танга». Теле-танлов.
11.55, 15.50 ТВ анонс.
12.05 «Учувчининг парвози». Бадий фильм.
13.30 «Маънавият» дастури.

14.10 «Қабул соати».
14.35 «Экспедиция». Телесериал. 14-қисм.
15.25 «Улғайиш поғона-лари».
15.55 «Ёзувчи ва замон».
16.15 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Кўшли юрт манза-ралари».
16.25 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Маҳмадана». Мультфильм.
18.20 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.25 «Ватан мадҳи».
21.45 «Монте-Карлода-ги халқаро цирк фестивали». 1-қисм.
22.40 Футбол. Ўзбекис-тон чемпионати.
«Трактор» (Тошкент) - «Насаф» (Қарши)
23.25 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».
9.45 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Телесериал.
10.35 Бизнес-академия.
10.50 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим - жигарбандим».
11.05 «Полиция комис-сари». Телесериал 5-қисм.
11.55 Ёшлар овози.

12.15 Интерфутбол.
13.50 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон».
14.15 «Сардор».
Телевизион бадий фильм 1-қисм.
14.45 Абтосалтанат.
15.00 Мультфильм.
15.15 ТВ-саёҳат.
15.35 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
16.20 «Ўзбекистон дурдоналари». Бухоро.
* * *
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Олтин калит».
17.05 «Мульттомоша».
17.20 Таянч.
17.35 Минг бир маслаҳат.
17.55 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
18.15 Автопатрул.
18.35 Ватан манзарала-ри.

18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр» - интер-вью.
19.55 Сифат белгиси.
20.05 Ёшлар овози.
20.25 Спринт.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Сардор».
Телевизион бадий фильм 2-қисм.
21.20 Аждодлар ёди.
21.30 Марду майдон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Полиция комис-сари». Телесериал 6-қисм.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри.
00.25-00.30 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар».
18.30, 21.00, 22.20, 23.05 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.30, 20.00, 22.35 «Экспресс» телегазета-си.
19.45 «Дурдона».
20.15 ТТВда сериал: «Селеста».
21.20 «Мирзо Улугбек». Телефильм.
21.50 «Туризм ҳақида».
22.50 «Интер-спорт».
23.25 Кинонигоҳ.
«Эдемга қайтиш». 2-қисм.
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқара» телеканал
РЖТ 6.30- 8.00
*
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Тармоқ».

Сериал.
16.00 «Вести».
16.25 «Рэй Бредбери театри». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 Қутқарувчилар. Тезкор ёрдам.
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Бўш халқа». Шоу ўйин.
20.00 «Время».
*
20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Х-Спорт».
21.40 «Наво топти Навой».
21.55 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
22.05 «Инсон ва табиат».
22.30 Кинематограф. «Бир юз бир кеча». Бадий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

17

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Озод юртнинг умид юлдузлари».
9.25 «Ҳар томчиси эъзозда».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Шоҳрух клуби».
10.25 «Еввойи оқуш-лар». Бадий фильм.
11.50, 16.30 ТВ - анонс.
12.05 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
12.25 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
13.10 «Жаҳон киноси

юлдузлари».
13.30 «Олтин дала».
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 «Экспедиция». Телесериал. 15-қисм.
15.25 «Депутат».
15.40 «Ватан ҳақида кўшиқ». 1-қисм.
16.05 «Меҳри - кўеш!»
16.40 «Жалолiddин Мангуберди». Видео-фильм. 2-қисм.
18.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз».
18.30 «Қумсоат».
18.45 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.30 «Ахборот».

21.05 «Сифат ва стандарт».
21.15 Ўзбекистон Халқ оғизлари.
21.35 «Кизлар давраси».
22.40 «Ахборот».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Олтин калит».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 «Давр» - интер-вью.
10.15 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Телесериал.
11.05 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
11.25 «Полиция комис-сари». Телесериал 6-қисм.
12.15 Таянч.
12.30 Болалар экрани. «Леопольдинг саргузаштлари».

13.20 Ўзбегим кураши.
13.40 «Сардор».
Телевизион бадий фильм 2-қисм.
14.20 «Ёшлар» телека-налида спорт: Теннис.
15.00 Ёшлар овози.
15.20 Эски альбомдан.
15.25 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
16.10 Автопатрул.
16.30 «Колонна».
Бадий фильм 1-қисм.
17.40 «Дунёни боглаган соҳа таянчи» («Ўзбектелефильм»)
* * *
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабу-тар», «Кичкинтой экрани».
18.30 «Мени тушун...» Телеўйин.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.

19.40 «Ракурс».
20.00 Спорт - лото.
20.10 «Очил дастур-хон».
20.25 Спринт.
20.30, 21.05, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Сардор».
Телевизион бадий фильм. 3-қисм.
21.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Бонг».
23.15 «Давр». Ахборот дастури.
23.30 «Полиция комис-сари». Телесериал 7-қисм.
00.20-00.25 «Хайрли тун».
«Тошкент» телеканал
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар».
18.30, 21.00, 22.15, 23.05 «Пойтахт».
Ахборот дастури.

18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.30, 20.00, 22.50 «Экспресс» телегазе-таси.
19.45 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.15 ТТВда сериал: «Селеста».
21.20 «Имом Бухорий».
Телефильм.
21.40 «Дорихона эшитди». Бевосита мулоқот.
22.30 «Хайрли оқшом».
23.25 Кинонигоҳ.
«Эдемга қайтиш». 3-қисм.
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқара» телеканал
РЖТ 6.30 - 8.00
*
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.

15.05 «Тармоқ». Сериал.
16.00 «Вести».
16.25 «Рэй Бредбери театри». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 Е. Петросянинн Кулги панорамаси.
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
*
20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Подийум».
21.40 «Саёҳатлар олами».
21.55 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
22.05 «Инсон ва табиат».
22.30 Кинематограф. «Роб Рой». Бадий фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Payshanba

18

«Ўзбекистон» телеканал

6.00- «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Баҳовуд-дин Нақшбанд».

дин Нақшбанд».
9.10, 12.25 ТВ метео.
9.15 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва

таклиф».
10.20 «Шайтон малай-лари». Бадий фильм.
11.40 «Карлсоннинг қайтиши». Мульт-фильм.
12.05 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
12.30 «Қумсоат».
12.50 «Кизлар давраси».
14.10 «Экспедиция». Телесериал. 16-қисм.
15.00 «Эл тинчлиги

йўлида».
15.25 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
«Сехрли танбур».
16.25, 17.20 ТВ анонс.
16.35 «Ватан ҳақида кўшиқ». 2-қисм.
17.05 Авестонинг 2700 йиллиги олдидан. «Мен ҳақиқатни сўзлагувчиман». 1-қисм.
17.30 «Харита». Халқ-ро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».

18.10 «Ўрмон эртакла-ри». Мультфильм премьераси.
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бугуннинг гапи».
21.20 Санъат усталари-нинг концерти.
21.40 «Монте-Карлода-ги халқаро цирк фестивали». 2-қисм.
22.35 «ТВ-клуб».
22.55 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьера-си. 33-қисм.
23.20 «Ахборот».
23.55-00.00 Ватан

тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой экрани».
9.45 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Телесери-ал.
10.35 Спорт-

тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой экрани».
9.45 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Телесери-ал.
10.35 Спорт-

китаси. 11.00 Сенинг вақтинг. 11.20 «Полиция комиссари». Телесериал. 7-қисм. 12.10 Ракурс. 12.30 Интерфутбол. 14.05 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 3-қисм. 14.35 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 15.20 Сифат белгиси. 15.30 «Колонна». Бадий фильм. 2-қисм.	16.35 Кўрсатувлар дастури. 16.40 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 17.10 Мультфильм. 17.50 «Умр дафтари». Ботир Зокиров. 1-қисм. 18.15 Одобнома. 18.30 Эски альбомдан. 18.35 Табобат оламида. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр» - интер-кисм.	вью. 19.55 Аждодлар ёди. 20.10 Ёшлар овози. 20.30 Спринт. 20.35, 21.25, 22.35 Ёшлар. 20.40 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 4-қисм. 21.30 Бегийм. 21.50 Ватан ҳақида кўшиқ. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.40 «Полиция комиссари». Телесериал. 8-қисм. 23.30 «Давр». Ахборот	дастури. 23.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. 1.20-1.25 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар». 18.30, 21.00, 22.00, 22.50 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 19.30, 20.00, 22.15	«Экспресс» телегазетаси. 19.45 «Фаолият». 20.15 ТТВда сериал: «Селеста». 21.20 «Ал-Фарғоний». Телефильм. 21.40 «Эътиқод». 22.30 «Спорт-тайм». 23.10 Кинонигоҳ. «Эдемга қайтиш». 4-қисм. 23.50-23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ	ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 «Тармоқ». Сериал. 16.00 «Вести». 16.25 «Рэй Бредбери театри». Сериал. 17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий журнал. 18.00 «Мухаббат замини». Сериал. 19.00 «Бўш ҳалқа». Шоу ўйин.	20.00 «Время». 20.35 «Бебилиска пул». Сериал. 21.25 «Соккер-клуб». 21.45 «Кино сайёраси». 22.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 22.15 «Инсон ва табиат». 22.40 Кинематограф. «Истеъдодли жаноб Рипли». Бадий фильм. 23.50 «Ахборот» (рус тилида) 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	---	---	--	--	--	---

JUMA «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Паҳлавон Маҳмуд». 9.10, 11.30 ТВ метео. 9.15 «Бугуннинг гапи». 9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар. 10.05 «Шайтон малайлари жинлар тегиримонида». Бадий фильм. 11.35 «Инсон ва замин». 11.55, 13.05 ТВ анонс. 12.05 «Бахтимизга омон бўлинг». 12.25 «Ўйла. изла. топ!» Телемусобақа.	13.10 «Озод юрт одамлари». 13.30 «23.5 даражали бурчак остида». Телесериал. 33-қисм. 14.10 «Буюк аждодларимиз». Н. Кубро. 14.30 «Экспедиция». Телесериал. 17-қисм. 15.20 «Хуқуқ сабоқлари». 15.40 «Алпомиш». Мультфильм. 16.00 «Шоирлар – болаларга». 16.35 «Кўпик». Бадий фильм. 18.10 Мультфильм 18.20 «Тилга эътибор». 18.35 «Омад кувончи». Телелотерея. 19.05 «Имконият». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Ёшлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртакла-ри.
--	--

19

20.15 «Тиббиёт одим-лари». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Долзарб мавзу». 21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар. 21.50 «Саҳна ҳаёти». 22.15 «Олам». Телеальманах. 22.35 «Ахборот». 23.10-23.15 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 9.45 «Мульттомоша». 10.00 «Давр» - интер-вью. 10.15 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Телесериал. 11.05 Минг бир маслаҳат. 11.25 «Полиция комиссари». Телесериал 8-қисм.	12.15 Бегийм. 12.35 Интерфутбол. 14.10 «Сардор». Телевизион бадий фильм 4-қисм. 14.55 Ватан манзаралари. 15.15 Ёшлар овози. 15.35 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 16.25 «Мени тушун...» Телеўйин. 16.50 Кўрсатувлар дастури. 16.55 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?» 17.15 Мультфильм. 17.25 «Умр дафтари». Ботир Зокиров 2-қисм. 17.50 Автосалтанат. 18.05 Аскар мактублари. 18.25 Аждодлар ёди. 18.35 Саломат бўлинг. 1-қисм. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот
---	---

дастури. 19.25 Футбол бўйича Жаҳон чемпионати саралаш турнири. Ўзбекистон – Хитой Танаффус пайтида – футбол шарҳи. 21.30 Чемпион сирлари. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.35 Ёшлар. 22.40 «Сардор». Телевизион бадий фильм 5-қисм. 23.25 «Давр». Ахборот дастури. 23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари. 00.40-00.50 Мунаввар тонг истаб. «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар»	(яқунловчи) 18.30, 21.00, 22.00, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 19.30, 20.00, 22.30 «Экспресс» телегазетаси. 19.45 «Ҳамшаҳарлар». 20.15 ТТВда сериал: «Селеста». 21.20 «Жалолитдин Мангуберди». Телефильм. 21.35 «ТВ плюс». 22.15 «Саломатлик маскани». 23.05 Кинонигоҳ. «Эдемга қайтиш». 5-қисм. 23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 «Тармоқ».
--	--

Сериал. 16.00 «Вести». 16.25 «Рэй Бредбери театри». Сериал. 17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.25 Ҳужжатли детектив. 18.00 «Мухаббат замини». Сериал. 19.00 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.35 «Кўнгил кўнгилга пайванд». Шоу дастур. 21.05 «Дурдаршан». 21.30 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 21.40 «Инсон ва табиат». 22.05 Кинематограф. «Валинеъмат». Бадий фильм. 00.05 «Ахборот» (рус тилида) 00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

SHANBA «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55 ТВ метео. 9.00 «Хидоят сари». 9.20 «Ватан ифтихори». Ҳужжатли фильм. 1-қисм. 9.50 Телевизион миниатюралар театри. 10.25 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 11.15 «Кувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин. «Тирик сайёра» кинодастури: 11.45 «Мовий уммон қаърида». Ҳужжатли фильм. 3-қисм. 12.35, 16.10 ТВ анонс. 12.40 «Спорт шанба-	дан шанбагача». 13.00 ТВ-1 кинотеатри: «Йўлбошчи». Бадий фильм. 14.20 «Дўстлик» видеоканали: «Мех-рангез», «Жетиген». 14.40 «Уй бекаси». 15.00 «Бардош». Бадий фильм. 16.15 «Саҳна ҳаёти». 16.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. «Ўзбекистон – Хитой». 18.15 «Фламинго». Киноқўрсатув. 18.40 «Музыка: кеча ва бугун». 19.05 «Санъат олами». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртакла-ри. 20.15 «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида)
--	--

20

20.30 «Ахборот». 21.05 «Олтин дала». 21.35 «Ўзбекистон – Ватаним маним!» 21.55 «Шанба оқшомида». 22.20 «Ахборот». «Тунги ёғду» кинодастури: 22.55 «Бенхур». Бадий фильм. 1-қисм. 00.40-00.45 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?» 9.20 Мультфильм. 9.30 Табобат оламида. 9.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 10.20 Бола тилидан. 10.50 «Сардор». Телевизион бадий фильм 5-қисм. 11.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 12.35 Лаззат.	12.55 Чемпион сирлари. 13.15 «Пилигрим» кемасининг капитани. Бадий фильм. 14.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 15.15 Хуқуқ ва бурч. 15.35 «Оқибат». Видеофильм 1-қисм. 16.05 Аждодлар ёди. 16.15 «Оқибат». Видеофильм 2-қисм. 16.45 Кўрсатувлар дастури. 16.50 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 17.10 «Умр дафтари». Ботир Зокиров 3-қисм. 17.35 Саломатлик сирлари. 17.55 Ёшлар овози. 18.15 Футбол плюс.... 18.35 Эски альбомдан. 18.40 Бизнес-академия. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр»-интервью.
--	---

19.55 Каталог. 20.05 «Хайрат». 20.25, 21.30, 22.55 Ёшлар. 20.30 «Ёшлар» телеканалда премьералар: «Спартак уч юз баҳодир». Бадий фильм 1-қисм. 21.35 Қутилмаган меҳмон. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.35 Кинотакдим. 23.00 «Ёшлар» телеканалда премьералар: «Жуманжи». Бадий фильм. 00.30-00.35 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 18.10 Болажонлар учун. «Қуралай». 18.30 «Мисли гавҳар». 18.45 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам». 19.10, 20.40, 21.35 «Экспресс» телега-	зетаси. 19.25 «Жаҳон жуғрофияси». 20.20 «Нима учун?» 20.55 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 19-қўй. 21.50 Кинонигоҳ. «Дона Мандухай хоним». 1, 2-қисмлар. 00.20 – 00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 Клип-антракт. 9.10 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси». 9.45 «Смак». 10.05 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув. 10.30 «Экран зийнати ва киймати». 10.50 «CFI янгилари». 11.00 Кундузги сеанс: «Хаёт сурури». Бадий фильм. 12.45 Дўстлик видеока-нали: «Умид».
--	--

«Чинсен», «Ягона оилада». 13.45-14.15 «Немис-тили». 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Бинафша». 17.25 CFI такдим этади: «Байрамлар юрти». 17.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 18.00 КВН. 40 йил лавҳалари. 19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин. 20.00 «Время». 20.35 «Худди ота-боладек». Бадий фильм. 21.55 «Музик-холл». 22.20 «Ўз-ўзига режиссёр». 23.05 Кинематограф. «Майерлинг». Бадий фильм. 1-қисм. 00.05 «Ахборот» (рус тилида) 00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Yakshanba «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.05 «Фаройбот». 9.20 ТВ метео. 9.25 «Шоҳрух клуби». 9.45 «Қорасарой». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 2001 йил – Оналар ва болалар йили. «Бола бошидан». 11.20 ТВ 1 кинотеатри: «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 1-қисм. 12.25 «Қалб гавҳари». 12.45 «Ватан ифтихори». Ҳужжатли	фильм. 2-қисм. 13.15 «Яккама якка жанг». Спорт дастури. 13.40 «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 2-қисм. 14.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 15.10 «Қирол шер». Мультфильм. 16.40, 17.10 ТВ анонс. 16.50 «Авесто»нинг 2700 йиллиги олди-дан. «Мен ҳақиқатни сўзлагувчиман». 2-қисм. 17.15 «Сув салтанатида». Мультфильм. 17.25 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. «Насаф» (Қарши) – «Умид» (Қўрғонтепа. Тожикистон) 18.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.45 «Қишлоқ ҳақида
--	---

21

ўйлар». 19.05 «Тўртинчи ҳокимият». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «Жондан азиз». Кинокомпозиция. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Якшанбада сиз билан бирга». 21.45 ТВ-1 намоиш этади. 22.00 Кино янгилари. 22.15 «Бенхур». Бадий фильм. 2-қисм. 23.50-23.55 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вази-фаси». 9.20 Футбол плюс. 9.40 «Давр»-интервью. 9.55 Болалар экрани. «Қурбака малика».	10.35 Ёшлар овози. 10.55 Жаҳон жуғрофияси. 11.40 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон, 2. Аскар мактублари. 12.20 «Очил дастур-хон». 12.35 «Шум бола». Бадий фильм. 14.05 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 14.25 Интерфутбол. 15.55 «Ғойибдан келган одам». Бадий фильм. 17.25 Қишлоқдаги тенгдошим. 17.45 Кўрсатувлар дастури. 17.50 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 18.05 Якшанбада кўришгунча. 18.20 Спорт ҳафтано-маси. 18.35 Очун. 18.55, 21.55 «Иқлим».
--	---

19.00 «Давр»-news. 19.20 Иқтисод-news. 19.25 Аждодлар ёди. 20.00 Internet-Осиё. 20.15, 21.15, 22.45 Ёшлар. 20.20 «Спартак уч юз баҳодир». Бадий фильм 2-қисм. 21.20 «Зинама-зина» интеллектуал ўйини. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр» ҳафта ичида. 22.40 Иқтисод-news. 22.50 «Ёшлар» телеканалда премьералар: «Қочок». Бадий фильм. 00.35-00.40 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 18.10 Болажонлар экрани. «Жодугар тоғига саёҳат». 19.45, 21.20, 22.35 «Экспресс» телегазетаси.	20.00 «Жаҳон жуғрофияси». 20.55 «Ёшлар худуди». 21.35 «Ёднома». 21.55 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 20-қўй. 22.50 «Телефакт». 23.00 Кинонигоҳ. «Мешкопчи қушнинг ўлими». 00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип-антракт». 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Ҳамма уйдалигида». 10.10 «Кайфият» дам олиш дастури. 11.10 FCN «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида) 11.20 Болалар соати: «Ақлли буюмлар». Бадий фильм.
---	--

12.50 «Парле ву франсэ?» 13.15-13.55 «Дўстлик» видеоканали: «Айчу-рек», «Дидар». 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Билишни истайман». Болалар учун дастур. 17.20 «Британия кундалиги». 17.40 Коломбо: «Нахорнинг илк ёғдусида». Бадий фильм. 19.10 КВН. Биринчи ярим финал. 21.30 «Тенгдошлар». 21.55 CFI такдим этади: «Байрамлар юрти». 22.20 «Автострада». 22.35 «Кинопрофи». 22.55 Кинематограф. «Майерлинг». Бадий фильм. 2-қисм. 23.55 «Тахлилнома». 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--

ЖУШҚИН ИЛҲОМ СОҲИБИ

Фарғона вилоятида сўлим Сойкелди деган қишлоқ бор. Бугун ўз умр довоининг 85-нуқтасига етиб келган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим мана шу қишлоқнинг фарзанди бўлади. Ўзбек адабиётида ўз ўрни, ўз ижод дунёсига эга бўлган адибнинг илк асари босилиб чиққанига ҳам 60 йил бўлибди. Бизнинг авлод қаламкашлари Иброҳим Раҳим билан илк бора «Ҳаёт булоқлари» романи орқали учрашган эдилар. Адиб ўзининг ушбу романида қишлоқ ҳаёти, унинг соддадил, меҳрибон одамларини ажойиб бир меҳр, маҳорат билан тасвирлаган эди. Ушанда ҳаммамиз бирдек ёзувчи туғилган қишлоқни яхши кўриб қолган эдик.

Иброҳим Раҳим ўзининг ижод йўли давомида жуда кўплаб ҳикоялар, қиссалар, романлар, киносценарийлар яратди. «Ихлос», «Чин муҳаббат», «Фидойилар», «Тақдир», «Генерал Равшанов», «Хилола» сингари роман ва қиссалари аллақачон мухлисларнинг дил тўридан жой олган. «Қалбингда кўёш», «Фарходнинг жасорати» бадиий фильмлари эса, энг сеvimли экран асарлари қаторида.

Иброҳим Раҳим айна пайтда, моҳир журналист сифатда ҳам эл меҳрини қозонди. У узоқ йиллар давомида «Ўзбекистон овози» газетасида бўлим мудир, «Гулистон», «Муштум» журналларида бош муҳаррир вазифаларида ишлади. Жуда кўплаб қалам ахлларига устозлик қилди. Айнан мана шу йилларда унинг бир-биридан долзарб мавзулардаги очерклари, публицистик мақолалари дунёга келди. Уларнинг биттасини тилга олсак кифоя. Пахтакорлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Қаҳрамон ва унинг кенжаси» очерки ўз вақтида энг бакувват асар сифатида баҳоланган, муаллифга катта шухрат келтирган эди.

Иброҳим Раҳим ҳаётнинг аччиқ-чучукларини ўз бошидан кечирган инсон, буни асарларида тасвирлаган адиб. Унинг иккинчи жаҳон уруши жангоҳларидаги жасорати ўз вақтида муносиб тақдирланганини ватандошларимиз яхши биладилар. Унинг кўрган-кечирганлари «Чин муҳаббат», «Фидойилар», «Генерал Равшанов» романида, «Эман тарашаси» сингари ўнлаб ҳикояларида бадиий инъикосини топган. Адиб урушнинг қаҳрли кунларини чексиз изтироб билан тасвирлайди. Бугунги кунларимизнинг кадрига етиш, тинчликни эъзозлаш ҳар бир кишининг виждо-

ний бурчи эканини таъкидлайди.

Бугун озод юртимизда жуда кўплаб юксалишлар содир бўлмоқдаки, унинг бадиий таъвири яратиш унча-мунча қаламкашнинг кўлидан келмайдигандек туюлади кишига. Лекин Иброҳим Раҳим шунча ёшга кирганига қарамасдан, ҳамиша олдинги сафларда бўлишга интилади. Ёшларга ўрناк бўларли шижоат кўрсатади. Узоққа бормаилик, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ адабимиз ғайрат камарини белига маҳкам боғлаб, бу бахтиёр кунларимизнинг бадиий солномасини яратишга салмоқли ҳисса кўша бошлади. Унинг меҳнат-

каш қаламидан тўкилган «Табиатнинг зардўзи наврўз», энг суюқ шодиёнамиз – мустақиллигимиз хусусида айрича бир илҳом билан ёзилган туркум мақолалари фикримизга далилдир. Устоз адиб турли танловларда фаол иштирок этиб, унинг ғолиби сифатида номи зикр этилди. Айни пайтда бадиий асарлар ёзишда ҳам ҳавас қиларли шижоат кўрсатмоқда. Яқинда ўқувчилар кўлига етиб борган «Қурбонингман» қиссаси ва ҳикоялар тўплами мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди.

Иброҳим Ра-



ДЎСТИМ, ЁДИНГИЗДАМИ?

*Дўстим, ёдингиздами оловли йиллар,
Ғалаба сари чорлаган йўллар,
Жаҳонда бошланган даҳшатли тўзон,
Бизни улоқтирди олис элларга,
Мардларин она юрт шул Ўзбекистон,
Кузатди жангаро шонли йўлларга.
Қурол, қалам билан кўксимиз қалқон,
Жангоҳларда бирга бўлдик ёнма-ён.
Истиқлол, эрк меҳри дилда яшарди,
Бурчи бизни олға ҳамиша бошларди.
Жангда шу юрт меҳри куч, қанот бўлди,
Ғолиблик садоқат, куй, ижод бўлди,
Эл азми бахт қучиб, бўлди нур пойдор,
Туғилган она ер қучди гулбаҳор.
Биз гўзал шу баҳор фарзандларимиз,
Биз унинг посбони, пайвандларимиз,
Эзгу ижод сеҳри қалб йўлдошингиз.
Меҳнатда оқарди улуг бошингиз,
Бағримга босаман муборак айлаб,
Қутлуғ бўлсин шу Чўнг ёшингиз!*

НАЗАРМАТ.

ҳим табиат манзараларини чизишда қанчалик маҳоратга эга бўлса, ўз қаҳрамонларининг руҳий дунёсини очишда, унинг интилишларини, орзу-умидларини тасвирлашда ҳам шунчалик хассослик билан қалам тебратди. Шунинг учун ҳам унинг очеркидан тортиб, романларигача кишини ўзига жалб қилади.

Меҳнатсеварлик ёш танламайди, дейишади. Чиндан ҳам Иброҳим Раҳимдек устоз адибнинг тинимсиз ишлаётгани, давримизнинг ҳар бир қақирғига лаббай деб жавоб бера оладиган асарлар яратётгани таҳсинга лойиқдир. Қалам билан ҳамиша ҳамнафас, ижодга ошуфта бўлиб яшаётган адабимизга «Ҳорманг, устоз» десак ярашади.

Темур УБАЙДУЛЛО.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 21 ноябрь ва 5 декабрь кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги ким ошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокимиятига қарашли Паркент туманида жойлашган «Қорақалпоқ» маданият уйи.

Бошланғич баҳоси – 21,516,300 сўм (ер майдонлари бу баҳога кирмайди).

Эслатма: Сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, баҳоваш учун хизмат ҳақи сифатида 47672 сўм. «Xususiyashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига тўланади.

2. Чирчиқ шаҳар, Шарқ кўчасида жойлашган сатҳи 400 кв.м. бўлган 1та ер майдони.

Бошланғич баҳоси – 87812 сўм.

3. Бекобод тумани Хўжалик ҳисобидаги Дезинфекция станциясига қарашли УАЗ-469 БГ русумли, давлат рақами 11 АЕ 628 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 177000 сўм.

4. ПП «Иссиқлик манбаи» ташкилотига қарашли РАФ 22031 русумли, давлат рақами 11 АГ 590 бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 308000 сўм.

5. Янгийўл тумани санитария-эпидемиология станциясига қарашли ВАЗ 2121 русумли, давлат рақами 00-30 ТШС бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 146000 сўм.

6. Бекобод шаҳри ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли РАФ 22031 русумли, давлат рақами 11 АН 861 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 305000 сўм.

7. Бекобод шаҳри ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли РАФ 22031 русумли, давлат рақами 11 АН 866 бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 251000 сўм.

8. Олмалиқ шаҳри ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли РАФ 22031 русумли, давлат рақами 03-21 ТШР бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 305000 сўм.

9. Олмалиқ шаҳри ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли ВАЗ 2121 русумли, давлат рақами 06-01 ТШС бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 219000 сўм.

10. Ангрен шаҳри ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли ГАЗ 2403 русумли, давлат рақами 18-08 ТШС бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 232000 сўм.

11. Ангрен шаҳри ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли РАФ 22031 русумли, давлат рақами 94-90 ТШН бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 269000 сўм.

12. Ангрен шаҳри ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли РАФ 22031 русумли, давлат рақами 49-87 ТШН бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 251000 сўм.

13. Ангрен шаҳри ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли РАФ 22031 русумли, давлат рақами 69-65 ТШП бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 287000 сўм.

14. Ангрен шаҳри ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли РАФ 22031 русумли, давлат рақами 94-89 ТШН бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 269000 сўм.

15. Қибрай тумани ДСИ томонидан хатланган «УзПТИ» Марказий тажриба хўжалигига қарашли бўлган Қибрай тумани Оққовоқ қишлоғида жойлашган 3-бригададаги дала шийпони.

Бошланғич баҳоси – 460000 сўм (ер майдонларидан қонун билан белгиланган тартибда фойдаланилади, объектни баҳолаш харажатлари ғолиб харидор томонидан алоҳида тўланиши эслатиб ўтилади).

16. Қибрай тумани ДСИ томонидан хатланган «УзПТИ» Марказий тажриба хўжалигига қарашли бўлган Қибрай тумани Оққовоқ қишлоғида жойлашган сут сотиш шаҳобчаси.

Бошланғич баҳоси – 555668 сўм. (ер майдонларидан қонун билан белгиланган тартибда фойдаланилади, объектни баҳолаш харажатлари ғолиб харидор томонидан алоҳида тўланиши эслатиб ўтилади).

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг чап қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, Факс: 132-00-37.

«НАВОИЙ ОЗАРБОЙЖОНДА»

Бокуда Озарбойжон Республикаси Фанлар академияси қўлёзмалар институти катта илмий ходими, филология фанлари доктори Жаннат Нагиевнинг «Навоий Озарбойжонда» китоби нашрдан чиқди.

Озар тилида чоп этилган мазкур китоб Алишер Навоийнинг Низомийга бағишланган мисралари билан бошланади. Сўнгра унда Навоий асарлари қўлёзмаларининг Озарбойжонда тарқалиши, шоир шеърларининг манбалари, XV-XIX асрларда Навоий ва озарбойжон адабиёти, Алишер Навоий ва Кишварий, Навоий ва Фузулий, Навоий ва Содик Китобдорий ўртасидаги ижодий алоқалар, Навоий ижодининг Озарбойжонда ўрганилиши тарихи масалалари муфассал ёритилган.

Китобга, шунингдек, Озарбойжон адабларининг буюк ўзбек шоири ва мутафаккири ижоди ҳақидаги адабий мулоҳазалари ва қардош озар шоирлари томонидан Навоий газалларига боғланган тахмислар илова қилинган.

Китоб машҳур озарбойжон олимаси Жаннат Нагиевнинг Навоий ижодига бағишланган

тўртинчи асаридир. Бундан аввал олиманинг Тошкент ва Бокудаги нашриётларда «Навоий ва ижод сабоқлари», «Алишер Навоийнинг Боку қўлёзмалари», «Алишер Навоий ва Озарбойжон адабиёти»



Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

каби рисолалари ўзбек, озар ва рус тилларида чоп этилган.

Шунингдек, Жаннат Нагиева «Озар — Ўзбек ижодий алоқалари саҳифалари» мавзусидаги китобнинг ҳам муаллифидир.

(ЎЗА).

ҚИСҚА САТРАЛДАР

- Фалокатга учраган, ТУ-154 самолётини «қора қути»ни бир ҳафтадан бери қидирув ишлари ҳозирча ҳеч қандай натижа бермаяпти. Мутахассисларнинг айтишича, бу иш қоронғу хонада қора мушукни қидириш билан баробар. Лекин, ушбу қути топилмас экан, юз берган фалокатнинг асл сабаблари аниқланмайди.
- Ер юзида яна бир қонли яра очилди. Абхазияда Грузияники деб таҳмин қилинаётган ҳарбий самолётлар, Гулрипш туманини, Кодор дараларини бомбардирмон қилган. Оқибатда Абхазиянинг тинч аҳолиси жабр кўрмоқда. Лекин, Грузиянинг ҳарбий вазирининг Гела Бежуашвилининг таъкидлашича, барча ҳарбий самолётлар ўз жойида турипти, улар ҳеч қандай ҳаракатлар қилмаган.
- БМТнинг Исломободдаги ваколатхонаси спикери Стефани Бенкер Афғонистондаги техник маслаҳат кенгашини тўрт ходимининг ҳалок бўлганини тасдиқлади. Маълум бўлишича, ваколатхонанинг бош биноси Қобул шаҳридан 2 чакирим шарқроқда жойлашган экан. У толибларнинг алоқа марказларига яқин жойлашган бўлганлиги сабабли вайрон бўлган.

Ажаб савдолар

МУТЛАҚО МАХФИЙ

Дўстингизга ёки дугонангизга «бирова айтмагин» дея, муҳим янгиликни етказасиз. Шу билан ичингиз салгина бўшаб, енгил нафас оласиз. Лекин, бу янгиликни пешинда айтган бўлсангиз, ишонган одамнингиз яна икки кишига айтади. Улар бўлса ўз навбатида, бир жуфт танишига хабар етказиб, «суюнчи» олади. Қарабсизки, орадан 15 дақиқа ўтар-ўтмас бешолти киши сизнинг махфий гапингиздан хабардор бўлиб турипти. Бундай тезликда тарқалган мутлақо махфий дил сўзи, эртаси куни ярим дунёга тарқалиб ўлгуради. «Ишонган тоғда кийик ётмас» деб, шуни айтсалар керакда.

АЖРАЛМАС ЖУФТЛИК

Францияда ўтган асрнинг бошларида иш бошлаган «Пневма-аккардеон-жаз» мана битта қаҳвахонада хануз барчани хушнуд этиб турибди. Кирган одам 50 сантим тўласа бас, бу механик дуэт 165та машҳур мусиканинг биттасини сизга чалиб беради. Курилмадаги тешикчага пул ташласангиз механик созанданинг қўллари аккордеон тугмаларини босади. Қоп-қора барабанчи эса дўпир-дўпирини бошлайди. Ушбу мусикий курилма, ҳали бирон марта бузилмабди. Бузилса тузатадиган уста ҳам топилмас экан. Эшовидан тушови қиммат дегани шу эмасмикан.

ИШЛАРИ

РАНГЛИ АЖРАЛИШ

Америкалик аёл Донна Барнс Айдахо штатида яшайди. Унинг кўни-қўшнилари Пушти хоним деб аташади. Шу аёл 30 йил ахил турмуш қуриб, тўсатдан эри билан ажрашди. Ҳамма гап пушти рангда экан. 18 ёшида битирув имтиҳонларини муваффақиятли топширган Донна илк бор пушти ранг костюм ва пальто кийган экан. Шу-шу бу рангни севиб қолди. Бора-бора фақат пушти ранг энгил-бош кийиш одатига айланди. Ҳатто, уйини ҳам пушти рангга бўятди. Пушти рангли жиҳозлардан фойдаланадиган бўлди. Ясан-тусан қиладиган пардозни ҳам фақат

Жаҳон маданияти юлдузлари

ҲЕЧ КИМ АЙТМАЙДИГАН СЎЗ

Бугун номи Вероника Кастро, Виктория Руффо, Андреа Дел Бока каби юлдузлар билан бир қаторда турадиган Станислав Микуньски ҳақида кўп сўрашади. Дарҳақиқат ўз пайтида у ижро этган образлар Польшада миллий қаҳрамон даражасига кўтарилиб кетган эди.



G'aroyibotlar

Буюк актёр ўзининг ватандошлари яна ҳам аниқроғи бизнинг тилимиз билан айтганда, маҳалладошлари ҳақида ҳикоя қилар экан, ажабланиб дейди: «Авваллари ярим кечада ҳам уйга бемалол кириб келарлар эдик. Ҳозир кечаси 10дан кейин, ўз эшигини тақиллатишга чўчийсан. Бекорчилар, гиёҳвандлар, сўққабослар кўпайиб кетган. Уюм-уюм чиқиндиларни кўриб, кўнглинг озади. Талончилик, ҳатто қотилликча бориб етаяпти одамлар. Ёш болаларни кўча-кўйга ташлаб кетишнинг ку ҳисоби йўқ. Билмадим, бунчалик ёвузлик одамларга қаяқдан ёпишди».

Станислав Микуньски, имкон қадар суҳбатда санъат ҳақида гаплашмасликни афзал кўради. Лекин кўзларидан саҳнани, экранни соғингани шундоқ сезилиб туради. Мабоодо «Гаровга тикилган ҳаёт» сериалининг давоми ҳақида гап сўзлар бўлаётган эди, Клосс ролини бошқа актёр ижро этиши ҳақида сиз қандай ўйлайсиз? деб сўрасангиз, уни қулфи дили очилиб кетади.

Станислав Микуньски илк бора 1951 йилда «Биринчи парвоз» бадий фильмида суратга тушди. Шундан кейин ўнлаб бадий фильмларда, сериалларда бош ролларни ижро этди. Маҳоратли актёрни хориж киностудиялари ҳам, ҳамкорликка таклиф этар эди. Москва, Киев, Прага, Будапешт, Берлин шаҳарларидаги миллий киностудияларда яратилган 20га яқин тасмаларда Микуньскининг маҳорати, айниқса, яққол кўринди.

1990 йилда Москвадан, Польша ахборот ва маданият марказидан ишдан бўшаб, ватаним Польшага қайтиб келдим. Бу ерда хабарингиз бор, жуда кўпгаб ўзгаришлар рўй берган эди. Мен ишлаган қаддон Миллий театримда ёнгин чиқиб, бутунлай куйиб кетган экан. Унинг қайта тикланиши учун етарли маблағ топилмади ва театр харобалигича қолиб кетди. Мен ишсиз қолдим. Ора-чора битта-яримта рол ўйнаганим бўлмаса, айтарлиқ ижод қилмадим. Телевидениеда «Омад филдираги» турнирини олиб бордим. Ҳозир ҳафталик «Супер-полициячилар» дастурини менга топширишган. Унда жиноятлар хусусида сўз боради, — деб ҳикоя қиладиган машҳур актёр. — Ўзим пенсиядаман. Файрат деганингиз тошиб ётибди. Лекин ишлашга имкон йўқ. Театрлардаги аҳвол анча мушкулроқ. Энг оддийси пенсияга чиққан актёр, вақти-вақти билан саҳнага қайтиши, рол ўйнаши, бемалол тирикчилигини ўтказиши мумкин эди. Бундай имконият ҳозир йўқ. Балки кейинроқ яна ҳаммаси жой-жойига тушиб кетар. Лекин ҳозир пенсионер артист ҳеч кимга керак эмас, шекилли. Начора, ҳамма нарсани пул ҳал қилиб турипти.

Станислав Микуньскидан «ўзингизни бошқалар каби сиёсатга урмадигизми», — деб сўрашганда, у елкасини қисиб жавоб берган эди: «Бунақа ниятим йўқ, умуман бўлган ҳам эмас. Аввало ҳозир ҳеч қандай партиянинг аъзоси эмасман. Ростини айтсам, демократлар иттифоқи» билан оз-моз ҳамкорлик қиламан. Сўзлар ҳозир Польшада катта обрўга эга. Ҳатто, президент Алёксандр Квасьневскининг сайлов компаниясида иштирок этдим. Шунда билдимки, халққа тўғри гап керак экан».

Буюк актёр ҳаёлга чўмади. Балки у, ўша иши бошидан ошиб-тошиб ётган дамларни, ўзи яратган қаҳрамонларни эслаётгандир. Унга тасалли берадиган ягона сўз — Станислав Микуньскини муҳлислари қалбларининг тўрида сақлайдилар. Афсус бу сўзни унга ҳеч ким айтмайди.

Темир йўлдошев.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

Умид – йўлларида, нурдек порлайди,
Янги довларга мудом чорлайди.

Кўзлар дил тубидан сўзлайди ўртоқ,
Ҳалоллик белгиси кафтдаги қадоқ.

Кексайдим деганлар қилурлар хато,
Юрак урар экан яшаш муддао.

Тинчликнинг қадрига етгин ватандош,
Тинчлик булутларни поралар қуёш.

Нон-ошинг бисёру, файзли хонадон –
Бундан ортиқ нима ҳоҳлайсан инсон?

Фасл айланар йил кўшиғин айтиб
Лек ўтган умринг келмайди қайтиб.

Яшаш бир лаҳзалик, ҳаёт абадий,
Ҳаёт ширин деган баёт абадий.

Дўст бўлсанг, меҳринг бер дилимга маним,
Садоқат кўшиғин тилимга маним.

Ғолиб МИРЗО.

Bolalik bog'i

TONG QO'YNIDA

Tongda zavqli sayrashar
Shoxchalarda qushchalar.
Qushlar tilida doston
Tongning ko'rki shunchalar.

Ko'kat, maysa silkinib
Shamolga bo'lar hamdam.
– Yuvingin, – deb qo'limga
Maysalar tutar shabnam.

Asom ZIYOMAT.

Буни ҳаёт дейдилар

БИРОВНИНГ ҲАҚИ...

Ишдан келаётиб, аралаш мол-
лар билан савдо қилувчи дўконга
кирдим. Кийим-кечак бўлими со-
тувчиси танишим эди.

– Бироз гаплашайлик, – дея кур-
си қўйди. Сўнг ёрилди. – Бўлимда
савдо йўқ. Ҳаммаёқда дўкончи.
Неча йиллаб шаҳарда ўқиб диплом
олган ҳам, 7-8 синфни зўрға би-
тирган ҳам бугун дўкондор.

Шу пайт ўрта ёшлардаги киши
дўконга кира солиб,
бакира кетди:

– Бошлигингизда
инсоф борми ўзи?
Хар келганимда
«йўқ», деб жўната-
сизлар. Бу ерга ке-
либ-кетишим осон-
ми?

– Амаки, қаердан ке-
ляпсиз? – қизиқсиниб
сўради дўкончи.

– Э ўғлим, мен Фаргонанинг
чекка бир қишлоғиданман. Бугун
то пулимни олмагунимча ҳеч
қаёққа жилмайман.

– Мана кўрдингизми, дўгона-
жон, – хўрсинди танишим. – Хар
куни шу аҳвол, камида 2-3 киши
келиб пулини қистайди. Бошлиқ
«Мени ким сўраса, йўқ денглар»,
агар узоқдан келган бўлса, «бо-
шқа шаҳарга мол олиб келишга
кетган», деб жўнатиб юборинглар»,
– дея қўтилади. Мен эса минг хи-
жолатда ёлгон гапиришга мажбур-
ман. Бировларни қақшатиб, ўзга-
ларнинг маблаг ҳисобига ўзини
бойвачча қилиб кўрсатадиган
одамлар нега орамизда кўпайиб
кетди?

Бундан уч йил муқаддам бир

дўгонам бева қолди. Ёта фарзан-
димга дея йиққан пулини худди
шундай ноинсоф бир одамга ўз
қўли билан топширган, йиллаб ўша
номарднинг уйига, ишхонасига қат-
нади. Хатто судга ҳам берди. Ба-
рибир пулини ололмади. Охири
сикила-сикила дардга чалинди.

Яна бир танишимнинг қизи бир
куни шундай деганди: «Опажон,
отам бечора ўғилларимга уй со-
лиш, уларни уйли-жойли қилиш ке-
рак, деб эрта кўклардан иссиқни
иссиқ, совуқни совуқ демай ҳам-
мамизни далада ишлатиб,
мўмайгина даромад олган
эди. Қарз олган ноин-
соф аёл пулни қай-
тармади. Худо ҳоҳла-
са бизларнинг кўз
ёшларимиз уни соғ
қўймайди».

Эркакни эркак де-
сак, аёллар ҳам ҳеч
нимадан тап тортмай
бировларнинг ҳақиға кўз олайти-
риб, минг тавалло билан 2-3 ойда
қайтараман, деб қарз олиб, сўнг
тагларига машина, уй-жой сотиб
олишаётганига нима дейсиз? Би-
ровнинг ҳақиға ҳиёнат бориб тур-
ган беандишалик эмасми?

Бундай «ясама бойвачча»лар
Худодан кўрқибганида эди, бу
ўткинчи дунёда бировларнинг ҳақи
эвазига яшамаган бўлардилар.
Бойлик, зеб-зийнат ҳеч кимга вафо
қилмаган, қилмайди ҳам. Бегуноҳ
кишилар кўз ёши эвазига қад рост-
лаган иморат ҳам, тоғ қадар ба-
ланд зебу-зар ҳам қадрсиз, сув
устидagi хасдек омонатдир.

Лутфинисо ОДИЛОВА.



Ўйнаб-ўйнаб учади мезон,
Синоатга тўладир осмон.
Куз чехраси этади мафтун
Япроқни айлади кавкабистон.

Майсаларда яшиллик қани?
Сувлар оқар оҳиста, ёниб.
Боғлар эди шарбат маскани,
Бари-бари бугун заъфарон.

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

Бекажон

- Жигар шалҳагидан тез ажралсин десангиз, уни бир лаҳза қайноқ сувга ботириб олинг.
- Сомондан ишланган шляпа, абажур ва бошқа маҳсулотларни тозаламоқчи бўлсангиз, юмшоқ матони сутга хўллаб ёки намоқобга ботириб олинг, шунда ундаги чанг-чунг, доғлар тез кетади.
- Новдалардан тўқилган буюмларни икки қошиқ ош содасини бир литр сувга солиб, юмшоқ чўтка билан ювиб ташланг.
- Угра ошингизга озгина лавлагли солиб юборсангиз, қип-қизил бўлади-қолади.

Матлуба МАҲМУДХҲАЕВА тайёрлади.

Об-ҳаво

Об-ҳавони қўзатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 13-17 октябрнинг дастлабки кунларида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик қўтилмайди. Шарқдан ғарбга томон эсган шамолнинг тезлиги 7-12 метрга етади. Айрим жойларда эса, шамол кўчайиб, унинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб айрим ҳудудларда ёмғир ёғади. Ҳарорат кечалари 3-8 даражадан 9-13 даражагача илиқ бўлиши, кундуз кунлари 17-22, кейинчалик эса, 23-28 даража иссиқ бўлиши қўтилади. Шу даврнинг охирига бориб, ҳаво ҳарорати пасайиши мумкин. Кундузги ҳарорат 7-14 даражани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Тошкент вилоятидаги мухтор вакили бошқармаси қўшидаги «Экспортга қўмаклашувчи марказ» муассислар таркиби ўзгариши муносабати билан **ТУГАТИЛАДИ.**

Давролар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51. Тел: 133-58-70.



«МЕТАЛЛУРГ»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Мамлакат 10-миллий чемпионати навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Тўрт учрашувда майдон эгалари, бир учрашувда меҳмонлар ғалаба қозондилар. Уч учрашув дуранг натижа билан якунланди.

Вилоятимиз вакилларида «Дўстлик» ва «Кимёгар» бу турда дам олди. «Металлург» эса ўз майдонида «Зарафшон» билан учрашди. Чемпионат якунланишига санокли ўйинлар қолганлиги сабабли майдон эгалари ҳавфли ўрини тарк этиш мақсадида учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан фаол ҳаракат қилиб, ташаббусни ўз қўлларига олдилар ва 20-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлди-

лар. Бундан руҳланган «Металлург»чилар ҳужумни янада кучайтирдилар. Файрат Одилов 24- ва 37-дақиқаларда меҳмонлар дарвозасини икки бор ишғол қилиб, ҳисобни 3:0га етказди. Танафусгача дарвозаларга яна биттадан тўп киритилди.

Иккинчи бўлимда ҳам қизғин кураш давом этди. Майдон эгалари меҳмонлар дарвозасига бир тўп киритиб, ўз дарвозаларидан икки тўп ўтказиб юбор-

дилар. Ўйин 5:3 ҳисобида «Металлург»нинг ғалабаси билан якунланди. Улар 22 очко билан жадвалда 14-ўринга кўтарилдилар.

Миллий чемпионатда муваффақиятли қатнашаётган Ангреннинг «Семурғ» жамоаси ўз майдонида «Академия» билан ўйнаб, 1:1 ҳисобида дурангга эришди ва ниҳоят иккинчи даврада биринчи очкони қўлга киритди. У ҳамон 10 очко билан сўнгги погонани эгаллаб турибди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» – «Нефтчи» – 0:0, «Турон» – «Пахтакор» – 0:0, «Бухоро» – «Андижон» – 3:0, «Навбахор» – «Трактор» – 2:0, «Насаф» – «Самарқанд» – 2:0, «Сўғдиёна» – «Сурхон» – 1:2.

Чемпионатда ҳамон Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси 69 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

Талъат ЮСУПОВ.



ХИТОЙ:

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА НАҚД

Жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларининг Осиё қитъаси «В» гуруҳида пешқадамлик қилаётган Хитой терма жамоаси олтинчи учрашувда Уммон терма жамоасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва қолган икки учрашув натижасидан қатъий назар 16 очко жамғарди ҳамда чемпионатга йўлланмани нақд қилиб қўйди.

Қатар ўз майдонида Бирлашган Араб Амирликларига ўйинни 1:2 ҳисобида бой берди. Бу ғалабадан сўнг, Араб Амирликлари футболчилари 10 очко тўплаган ҳолда жадвалда иккинчи ўринга кўтарилиб олдилар. Қатарликлар 9 очко билан учинчи, Ўзбекистон 7 очко билан тўртинчи, Уммон эса, 2 очко билан сўнгги, бешинчи погонани банд этиб турибди. Мамлакатимиз терма жамоа-

си бугун Уммон футболчилари меҳмони бўлади. Сўнгги ўйинни эса 20 октябр – шанба куни хитойликлар билан ўз майдонларида ўтказадилар. Бу икки учрашувда терма жамоамиз ғалаба қозонсагина, жадвалда иккинчи ўринга кўтарилиб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун баҳсларни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШМЕНИСЛАД ПРАВА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифоланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.